

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Ўзбекиқовқатзахира”**  
уюшмаси раиси  
**З.О.Файзиев**



2018 йил “ 5 ” январ

**Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини сақлашга жамғариш**  
**бошқармаси тўғрисида**  
**Н И З О М**

**I. Умумий қоидалар.**

1.1. Бошқарма “Ўзбекиқовқатзахира” уюшмасининг (бундан буён Уюшма деб юритилади) функционал таркибий бўлинимаси бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 октябрдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва “Ўзбекиқовқатзахира” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3344-сонли, 2017 йил 30 ноябрдаги “2017-2018 йиллар қиш-баҳор мавсумида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш тўғрисида”ги ПҚ-3418-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 июндаги “Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 206-сон қарорларида белгиланган ички истеъмол бозорини, энг аввало қиш-баҳор даврида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан барқарор таъминлаб туриш учун шундай маҳсулотларни тайёрлаш ва ғамлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, йиғилиш баёнлари, кўрсатмалари, шунингдек Уюшманинг буйруқлари, Бошқарув қарорлари ва топшириқлари билан ишлашни ташкил этишни таъминлайди.

1.2. Мазкур Низом Бошқарманинг вазифаларини, ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини белгилайди.

1.3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек Уюшманинг буйруқлари, Бошқарув қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.4. Бошқарма ўз фаолиятини Уюшманинг раиси раҳбарлигида амалга оширади ва кундалиқ амалий фаолиятида Уюшма раисига бўйсунди.

1.5. Бошқарма ўз фаолиятини Уюшма марказий девонининг бошқарма ва бўлимлари, тизимдаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## II. Бошқарманинг асосий вазифалари.

2.1. Ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан давлат буюртмасини шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради.

2.2. Ички бозор конъюктурасининг маркетинг тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, давлат буюртмасига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини харид қилишга эҳтиёжнинг прогноз ҳажмлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради.

2.3. Давлат буюртмаси доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича контрактация шартномалари, уларда харид қилинадиган маҳсулотлар ҳажмларини ва турларини, етказиб берувчилар жадваллари, нархларни шакллантирилиши, томонларнинг жавобгарлиги чораларини ва низоларни ҳал қилиш тартибини Уюшмага аъзо тизимдаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналарига етказди.

2.4. Давлат буюртмаси ҳажмлари ҳисоб-китобларини тайёрлашда давлат статистика органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг фойдаланиш мумкин бўлган барча маълумотларидан, ташқи бозорларнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилий ахборотдан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигидан олинган ахборотдан, шунингдек ички ва ташқи бозорлар конъюктурасининг чуқур маркетинг тадқиқотларидан фойдаланади.

2.5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан давлат буюртмаси балансини ишлаб чиқиш ва бажарилиши мониторингини олиб боради.

2.6. Давлат буюртмасини бажариш учун минтақада ёки туманда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми етарли бўлмаган тақдирда бошқа минтақалардан ёки туманлардан ортиқча етиштирилган ҳажми жалб этиш чораларини кўради.

2.7. Уюшмага аъзо тизимдаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида таҳлилий ишларни амалга оширади.

2.8. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг иқтисодиёт бошқарма ва бўлимлари билан биргаликда контрактация шартномаларини бажарилиши мониторингини олиб боради.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларига белгиланган муддатларда тегишли маълумотларни тақдим этиб боради.

2.10. Уюшмага аъзо тизимдаги мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш корхоналари томонидан келгуси йилга мўлжалланган

Комплекс чора-тадбирлар Дастурларини ишлаб чиқишда ва ижросини ташкил этишда иштирок этади ҳамда уларнинг ижросини назорат этади.

2.11. Дастурга киритилган лойиҳаларда барча ишларни белгиланган жадвал асосида олиб борилиши ва муддатида бажарилиши устидан мониторинг олиб боради.

2.12. Озуқабоп экинларнинг майдонларини режалаштириш бўйича тавсиялар беради.

2.13. Дастурлар бажарилиши бўйича белгиланган муддатларда Уюшма раҳбариятига, Вазирлар Маҳкамасига ва бошқа талаб этилган идораларга тегишли маълумотларни тақдим этиб боради.

2.14. Бошқарув мажлисида кўрилаётган бошқармага тааллуқли масалалар бўйича материаллар тайёрлайди.

### **III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги.**

Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Уюшма номидан Бошқарма ваколати доирасидаги масалалар бўйича вакиллик қилиш;

3.2. Бошқарма ваколатига доир масалалар бўйича белгиланган тартибда йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

3.3. Ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Уюшманинг марказий девони бошқарма ва бўлимлари, Уюшмага аъзо корхоналардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

3.4. Ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага ғамлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмасини шакллантириш ва бажарилиши ҳамда Комплекс чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан мониторинг ўтказиб, ўз таклиф ва кўрсатмаларини бериш;

3.5. Бошқарма хизмат доирасида йиғилишлар чақириш ва ўтказиш, ушбу йиғилишларга илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилот мутахассисларини жалб қилиш;

3.6. Уюшма раҳбариятининг топшириғига биноан марказий девон, тизимдаги корхоналар ахволини ўрганиш, барча ҳужжат ва материаллар билан танишиш ҳамда мажлис ва йиғилишларида қатнашиш;

3.7. Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича Уюшманинг бошқа бўлинмалари билан зарурий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда иштирок этиш;

3.8. Раис ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳужжатларни бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Уюшмада тасдиқланган иш юритиш тартиби, ижро интизомини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб бошқарма ҳужжатларининг ижро муддатини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

#### **IV. Бошқарманинг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш.**

4.1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга жамғариш бошқармаси Уюшманинг таркибий бўлинмаси бўлиб, унда уюшма раиси буйруғи билан тайинланадиган бошлиқ, 1 нафар бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2 нафар бош мутахассис, 2 нафар I-тоифали мутахассис фаолият юритади.

4.2. Бошқарманинг тузилмаси Уюшма раиси томонидан тасдиқланади.

4.3. Бошқарманинг бошлиғи, ўринбосари, бош мутахассислари, I-тоифали мутахассислари белгиланган тартибда раис буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

4.4. Бошқарма ишига бошлиқ раҳбарлик қилади. Бошқарма бошлиғи Уюшма бошқарувининг Раиси ва Раис ўринбосарларига бўйсунди. Бошқарув Раисининг буйруғи билан ишга тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

4.5. Бошқарма ходимлари бошқарма бошлиғига бўйсунди, унинг тавсиясига биноан Уюшма раиси томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

4.6. Бошқарма бошлиғи ишни ташкиллаштиради, фаолиятига раҳбарлик қилади. бошқармага юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади.

4.7. Бошқармага юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши бўйича тўлиқ мажбурият бошқарма бошлиғи зиммасига юклатилади.

4.8. Бошқарманинг фаолияти Уюшма тўғрисидаги Низомга, Уюшмада Иш юритиш бўйича Йўриқномага, Иш тартибига ва ушбу Низомга, раис ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Уюшма буйруқлари, баён қарорларига мувофиқ ташкил этилади.

#### **V. Бошқармани тугатиш ва қайта ташкил этиш.**

5.1. Бошқарма белгиланган тартибда раиснинг буйруғи билан тугатилиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.

қриет

